ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 86-87 (218-219) | 2000 йил 29 ноябрь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

Белорусия Президенти А.Лукашенко мамлакатнинг куч ишлатиш салоҳиятига эга бўлган юқори мансабдаги амалдорларини вазифаларидан озод қилди. Ички ишлар вазири, республика бош прокурори, давлат хавфсизлик қўмитасининг бошлиғи шулар жумласидандир. Уларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни уддалай олмаганликлари таъкидланмоқда, матбуот хабарларида.

***

Россия ва Италия давлат бошлиқларининг Москвадаги учрашувида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий сиёсий масалалар муҳокама қилинди. Кейинги йиллар ичида улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қарийб 70 фоизга ўсган ва ҳозир у 7 млрд. долларни ташкил этмоқда.

***

Эрон ички ишлар вазирлигининг берган маълумотларига кўра мамлакатда кейинги 8 ой ичида наркотик моддалар олди-сотиси билан шуғулланувчи 41 минта яқин одам ҳибсга олинган. Улардан мусодара қилинган гиёҳванд моддалар 10 тоннадан ошиқроқ бўлиб, бу ўтган йилдагидан икки марта кўпроқ. мамлакат қамоқхоналарида ётган маҳбусларнинг 75 фоизидан кўпи гиёҳвандлик масалалари билан қамалганлар.

***

Ўтган ойнинг ўрталарида ёпилган Душанбе-Москва темир йўлида яна поездлар қатнови бошланди. Поездларнинг санитария ҳолати ёмонлиги ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш етарли даражада эмаслигини ва асосийси наркокурьерларга қарши курашиш учун темир йўл вақтинчалик ёпилган эди. Шу йилнинг тўқиз ойи ичида Душанбедан бораётган 45 та поезд юқоридаги сабабларга кўра тўхтатиб қолинган эди.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси Х.Клинтон ташаббуси билан кеча «Маданият ва дипломатия» мавзусида икки кунлик конференция иш бошлаган. Унинг мақсади маданиятнинг замонавий дипломатиядаги ўрнини кўрсатиш ҳамда турли маданиятлар орасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ушбу анжуманда турли мамлакатлардан келган 200 га яқин маданият, фан ва дипломатия ходимлари қатнашмоқдалар.

ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

XXI аср маҳалласи қандай бўлади?

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚАНДАЙ БОШҚАРАДИ?

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи шу йилнинг август ойида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб, ушбу ҳудудларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишини яқиндан ўрганди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари ҳудудларидаги маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар иккала вилоятда Қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва бу борада белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишни йўлга қўйиш борасида талайгина амалий ишларни қузатиш мумкин.

Янги таҳрирдаги Қонун амалга киритилгач, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ушбу Қонуннинг моҳияти, аҳамиятини маҳаллалар ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолларига ва умуман, барча аҳолига мукаммал тушунтириш ишлари ташкил этилган.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятининг 3 та шаҳар ва 9 та туман ҳудудида 76 та фуқаролар йиғини ва 275 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 475 нафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари бюджетдан бериладиган маош билан таъминланган.

Жиззах вилояти шаҳарларида 75 та, шаҳарчаларида 47 та маҳалла, шунингдек, 102 та қишлоқ ва улар таркибида 40 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаяпти. Шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг 512 нафар ходими бюджетдан ойлик иш ҳақи оладилар.

(Давоми 2-бетда.)

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил Кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

рамазон ой амаллари минг чандон савоблироқдир

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Муҳтарам, азиз биродарлар, Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, бу улуғ муборак Рамазон ойига сизу бизни тинчликда, сиҳат-саломатликда етказди.

Бу қадрли ойнинг муқаддаслиги шундаки, ҳар сўзи олам-олам диний фалсафий, умуминсоний ҳақиқатларни ифодаловчи башарият оламини ҳидоятга бошловчи мавжудотлар гултожи инсонларга эзгу амалларни адо эттириб, ёмонликдан қайтарувчи Қуръони Карим шу моҳи Рамазонда нозил бўлган. Шунинг учун ҳам Оллоҳ рўза тутиш шарафини шу ойда фарз этган.

Рамазон ойининг биринчи ўнкунлиги «Раҳмат даҳаси» дейилади. Иккинчиси - «Мағфират даҳаси». Учинчиси - дўзахдан озод бўладиган ўн кунлик. Биринчи ўн кунликнинг «Раҳмат» деб аталишининг сабаби ўша даҳада Оллоҳ таолонинг раҳмати жўш уриб, бандаларига меҳрибончилиги шу даражада бўладики, инсонлар қандай савоб иш қилмасинлар бошқа вақтдагидан минг баробар ортиқ баҳога сазовор кўрилади. Айни вақтда бандаларининг ҳам бир-бирига нисбатан қиладиган раҳмати, меҳрибончилиги жўш уриши лозим бўлади. Оллоҳ шу қутлуғ ойда бандаларининг ҳар бир ибодатига минг баробар савоб ато қилади.

Рамазон - покланиш ойи, эътиқод, бутун вужуд покланади. Рўза тутган одам ҳалол бўлади, парҳезкор бўлади.

Фазилатли ва хислатли ушбу ойнинг иккинчи - ўн кунлигига ўтар эканмиз, Оллоҳ таоло бутун гуноҳларимизни мағфират этади.

(Давоми 3-бетда.)

ЯНГИ КИТОБ МАЪНАВИЯТ ОЛАМИГА ЧОРЛАЙДИ

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидандир.

Бу муҳим вазифани амалий ҳал этишда Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, қатор чиқишларида маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида тузилган **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»** рисоласи дастуриламалдир. Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда миллий мафкура илмий тарғибот маркази ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий тадбир мазмуни китобни кенг халқ оммаси орасида, маҳаллаларда тарғиб этишнинг долзарб муаммоларини таҳлил этишга бағишланди. Семинарда маъруза қилган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси, юридик фанлари доктори Шуҳрат Жалилов, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари С.Олимов, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази директори, педагогика фанлари доктори М.Қурбонов ушбу миллий ғоя ва мафкура тушунчаларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш каби масалаларни баён этган китобнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги муҳим аҳамиятини таъсирчан таҳлиллар, мисоллар, назарий далиллар асосида кўрсатиб бердилар. Асосан, миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдиришнинг йўл-йўриқлари, усуллари, воситалари ва аҳамиятига, маҳаллаларда мафкуравий тарбияни ташкил этиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Мавзу юзасидан сўзга чиққан семинар иштирокчилари жойларда бу масалада амалга оширилаётган ишлар тажрибаси ҳамда ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммоларга эътиборни қаратдилар ҳамда амалий таклифлар бердилар.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ

Газетанинг 2000 йил 8 ноябрдаги сонида босилган «Оқсоқоллар синовдан ўтмоқда» мақоласини ўқиб.

СИНОВ ЯХШИ ОҚСОҚОЛ САЙЛАШГА КАФОЛАТМИ?

«... энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур».

И.А.КАРИМОВ.

Мақолада айрим оқсоқолларнинг «ура-урачилик» ёки юқори мансабдаги раҳбарларнинг аралашуви билан тайинланганлиги, буларнинг аксарияти ўз вазифаларини билмасликлари, бундайларни аниқлаш ва ҳисобот-сайловларни кутиб турмасдан тезда бу хатони бартараф этиш муҳимлиги қайд этилганлиги маъқул албатта. Лекин кўп қиррали маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини чуқур таҳлил қилиш осон иш дейсизми? Ўтказилган оддийгина суҳбат ёки «хотира синови» билан фуқаролар йиғини раисига холисона баҳо бериб бўлармикин.

Жамиятда демократик тизим барпо этиш, эски бюрократлик сарқитларини улоқтириб ташлаш қийин кечаётган бир даврда бундай «синов»лар шундай ҳам маҳалла фуқаролар йиғинига берилган ваколатларни ўзича талқин қилиб, мавқеларидан фойдаланиб, ўз «юк»ларини улар елкасига ташлаб қўйишга ҳаракат қилаётган айрим мутасадди раҳбарларнинг маҳалла оқсоқолларини «бўйсундириш» учун яна бир воситага айланиб қолмасмикин. Бундан ташқари қонун устуворлигини таъминлаш энг долзарб масала бўлгани ҳолда, «синов»да қўйилган кичкина хато - оқсоқолга берилган нотўғри баҳога асос бўлиб қолмайдими? Мақолада қайд этилган «юқоридаги раҳбарлар аралашуви билан тайинлаш» «кенгаш аралашуви билан тайинлаш»га алмашиб, «Хўжа Али - Али Хўжа, иккаласи бир Хўжа» бўлиб қолмайдими?

Бу албатта менинг шахсий фикрим.

Хуллас ҳар бир иш Қонунга мувофиқ бўлгани яхши. Бу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган «Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим» деган доҳиёна фикрни дастуриламал қилиш айниқса муҳимдир.

Зикрилла ШЕРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти Косон шаҳридаги Лолазор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

ОБУНА — 2001

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Бугун Сиз кузнинг серҳаракат опларида кўзланган мақсадлар сари меҳнат қилиб, қишни ҳам кутиб олаяпсиз. Бугун чуқур тин олиб ёғин-сочинсиз, иссиқ об-ҳаволи кунларда бажарган ишларингиз самараси ҳақида ўйлайсиз. Нима вазифалар тўлиқ, қайсидир ишлар бироз чала, балки нимадир умуман ёддан кўтарилгандир. Агар ёдингиздан фаромуш бўлган вазифалардан бири ишхонангиз, оилангиз учун обуна бўлиш масаласи бўлса, буни қўлдан бой берилган имкониятлар сирасига қўшманг. Сиз ўз севимли нашрингизга, хусусан, «Mahalla»га обуна бўлишга кечикмадингиз.

Агар «Mahalla»га обуна бўлсангиз йил бўйи бу нашр сизни мамнун қилишига ишонинг.

— «MAHALLA»нинг дўконда топилгани яхши!

МАҲАЛЛА ТАЖРИБАСИ

МАҲАЛЛАГА УНИВЕРСИТЕТ МУБОРАК!

Агар кишига бирон бир яхшилик насиб этса, атрофидаги оққўнгил кишилар унинг хурсандчилигига шериклик рамзи сифатида дарҳол «Муборак бўлсин» деб табриклашга ошиқадилар. Биз ҳам яқинда Хўжаобод шаҳрининг Гулистон маҳалласида бўлиб, «Маҳаллага университет муборак!» деб келдик.

Университет дейсизми?! Ҳа, ҳеч муболағасиз университет! Гулистон маҳалласи Хўжаобод шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Аҳоли шу университет туфайли мустақил мамлакатимизда юз бераётган барча янгиликлардан, айниқса, Президентимиз фармонларидан, ҳукуматимиз қарорларидан вақтида огоҳ бўладилар. Улар маҳалла ҳаётига, ундаги ҳар бир кўча, хонадон, керак бўлса ҳар бир фуқаро ҳаётига оид масала, муаммоларни биргалашиб, бамаслаҳат ҳал қиладилар. Университетнинг тингловчилари кимлар ва улар неча кишини ташкил этади деган саволимизга «Барча каттаю кичик, ёшу қари, эркагу аёл, яъни бир сўз билан айтганда, маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси университетда ўқийдилар», деб жавоб берди Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фозил Отахонов. Ие, ҳазиллашаяпсизми, ахир бунча одамни қаерда ўқитасиз, деб қизиқсиниб сўрадик, маҳалла раисидан. У «Ҳа, университетимиз жуда катта, замонавий бинода жойлашган бўлиб, шинам ўқув залларига, кўплаб аудиторияларга эга» деб маҳалла ҳудудида жойлашган 24-умум таълим мактабининг кўркам биносини кўрсатди. Якшанба куни соат учларга бориб мактабнинг катта зали «талабалар» билан лиқ тўла, тингловчилар: маҳалланинг нуроний оқсоқоллари, кўпни кўрган онахонлару, зукко зиёлилар, айни навқирон йигит-қизлар эканлигини кўргач, ректордан секин сўрадик. «Маърузачилар ким?». Бу саволга жавоб тугамасидан залга қалин папкасини қўлтиқлаган ҳолда туман ҳокими Олий Мажлис депутати, Ўктамжон ака Охунов кириб келди. Университет ректори эса дарҳол тингловчиларга юзланиб, бугунги ялпи машғулотларда иккита маъруза тингланишини, сўнгра эса тингловчилар учун уч тоифага бўлинган ҳолда амалий мунозара машғулотлари бўлишини эълон қилди. Шундан сўнг «Хўжаобод шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий юксалиши: мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида» туман ҳокими Ў.Охуновнинг маърузаси тингланди. Тингловчиларнинг шаҳар, маҳалла, мактаб ҳаётига оид саволларига туман ҳокими ҳар томонлама асосли равишда жавоб берди. Шундан сўнг «Диний ақидапарастлар - мустақиллигимиз душманларидир» деган мавзуда 24-ўрта умум таълим мактабининг тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиси Козимжон Ибрагимов маърузаси тингланди. Шундан сўнг эълон қилинган танаффус тугагач, тингловчилар уч тоифага, яъни қайнота-қайноналар, ёш қуёвлар ва йигитлар, ёш келинлар ва қизлар гуруҳига бўлинишиб, амалий машғулотлар давом эттирилди. Машғулотларга мактабнинг, айни чоғда университетнинг тажрибали, билағон ўқитувчилари раҳбарлик қилдилар. Университет машғулотларини бошидан-охиригача кузатган биз меҳмонлар қисқасидан ҳисса қилиб, якдиллик билан шундай умумий хулосага келдикки, Гулистон маҳалласи, ундаги 24-ўрта умумий таълим мактаби, кўп сонли онлалар ўртасида, республикамиз миқёсида кўтарилган концепция, яъни «маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» шиори намунали тарзда ўзининг амалий ифодасини топган деб бемалол айтиш мумкин.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимида Гулистон маҳалласи эришган ушбу ютуқлар қизғин муҳокама этилар экан, бир тўхтамга келдик: нега худди шундай ишни вилоятимизнинг бошқа маҳаллалари ва мактабларида қилиш мумкин эмас. Ахир бунга ҳеч ким ва ҳеч нарса монеълик қилмайди-ку. Аксинча, уни ҳеч иккиланмасдан амалга ошириш-лик бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир! Хуллас, бу тажриба вилоятда кенг ёйиладиган бўлди.

Аминжон СОЛИЕВ,
Андижон вилояти оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.

ШУ СОНДАГИ

2-саҳифасида:

● ... лекин амалда тескариси бўлмоқда - маҳалла оқсоқоллари ҳисоботини ҳокимлик раҳбарлари тингламоқда.

● Семинар, семинар... Семинардан иш унар.

● Лолахон Оллошукурова тадбиркорлик билан нима мақсадда шуғулланади?

3-саҳифасида:

● Депутат Ойниса Мусурмонованинг янги рисоласи нима ҳақда?

● Бозор ҳам кўзбўямачиларнинг цирк майдонига ўхшаб қолмасин.

● Олис ерларга гумдон бўлган эрлар машинаси, қимматбаҳо буюми, барча ҳужжатлар билан бирга турмуш ўртоқларининг ҳуқуқларини ҳам олиб кетаётирлар.

4-саҳифасида:

● Лондон Ўзбекистонни томоша қилмоқда.

● Дарвешлар уйи - Хонақоҳлар ислом дунёсининг ноёб иншоотларидир.

● «Одам-амфибия» сигаретлари жойлаштирилган идиш.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ БОШҚАРСИН. ЮНЕСКО ОИЛА ТАШВИШИДА. МУЛКИНГИЗ КЎПАЙСИН, МУЛКДОР!

2000 йил 29 ноябрь
№ 86-87 (218-219)

ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚАНДАЙ БОШҚАРАДИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, корхоналар ҳамда муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, жойларда ўтказилаётган тадбирлар бевосита улар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда. Жумладан, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ўз ҳудудларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига уларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш орқали фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишларида яқиндан кўмаклашмоқда. Ҳар икки вилоят ҳокимликлари ўзларининг фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш режалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини оширишга қаратилган тадбирлар уюштиришга мунтазам эътибор бермоқдалар.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидаги маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, амалдаги Қонунга биноан, улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича аҳолининг турмуш шароитларини тартибга солиб турувчи турли хил комиссиялар тузилган. Мазкур комиссиялар фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш каби қатор йўналишлар бўйича тегишли чора-тадбирларни амалда тадбиқ этмоқдалар.

Шу билан бирга, жойлардаги аҳволни яқиндан ўрганиш жараёнида аён бўлдики, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашда бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Вилоятлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолият мақсадларида фойдаланиш учун Қонунда белгиланган тартибда берилган биноларда эга, аммо аксарият ҳолларда, хусусан, Сирдарё вилоятида улар таъмирталаб, мослаштирилмаган биноларда фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, маҳаллалар ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари хоналарининг жиҳозлари эскирган, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Қонуннинг 7-моддасида **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди»**, деб белгиланишига қарамай, ҳар икки вилоятда ҳам маҳалла оқсоқоллари ва котиблари иш ҳақини шаҳар, туман ҳокимлигидан олишлари рўкач қилиниб, ҳокимият органлари ўз ваколатига кирадиган кўпгина масалаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклаб қўйганлар.

Қонуннинг 10-моддасида белгиланишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: **«йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиши»** лозим. Лекин, амалда тескариси бўлмоқда - ҳокимликлар раҳбарлари маҳаллалар оқсоқолларининг ҳисоботларини тинглаб, уларга уларнинг ваколатларига кирмайдиган ишларни топширмоқда.

Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга ёрдам ҳамда икки ёшгача бўлган болалар учун нафақалар маҳалла оқсоқоллари кенгаши томонидан белгиланишига қарамай, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига иш ҳақи олиб ишлайдиган ҳисобчилар штати берилмаган. Натижада бу борада анчагина қийинчилик ва нохуш ҳодлар юз бермоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабридаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **«...иш ҳақи (маош) ҳудудларда камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)га ва котибларига тайинланади»**, деб белгиланган. Бу талаб Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ва умуман, мамлакатимизнинг аҳоли нисбатан тарқоқ истиқомат қилувчи қишлоқлари шароитига унчалик тўғри келмаслиги кузатилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида: **«Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишнинг қуйидаги турларини белгиланган тартибда бажаришлари мумкин: туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш»** деб кўрсатилган бўлишига қарамай, жойларда бу ишлар билан ҳали ҳам Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари шуғулланмоқда. Бу эса, ўз навбатида олис ва чекка қишлоқлар аҳолисининг туман марказига келиб-кетиши билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқараяпти.

Шу билан бир қаторда, коммунал хизмат учун ҳақ йиғиш ваколати фуқаролар йиғинларига бу борадаги бир неча йиллик қарз билан биргаликда топширилган. Оқибатда, жойлардаги маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига эндиликда катта миқдордаги бир неча йиллик коммунал қарзларни тўлаш имкони бўлмаган фуқаролар маҳалла фаолларидан узоқлаша бошлагани кузатилмоқда. Шу йўсинда маҳалла аҳлидан коммунал хизмат ҳақини ундириш ваколати фуқаролар йиғинларига берилишига қадар бўлган муддатда тўпланиб қолган қарзларини ундириб олиш Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг жойлардаги идоралари томонидан охирига етказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга жойларда ушбу қонуннинг талабларига янада тўлароқ амал қилиниши учун, қолаверса, бугунги давр ислоҳотлари даражасидан келиб чиқиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришда муайян ташкилий-ҳуқуқий ишларни бажариш зарур бўлади. Хусусан, ҳар икки вилоятда фуқаролар йиғинлари ходимлари сонини кўпайтириш учун маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бир қисмини маҳаллаларда қолдириш ҳисобидан қўшимча штатлар, айниқса, ҳисобчи штатини жорий этиш, маҳалла посбонларига Республика бюджетидан маблағ ажратиш ва энг муҳими - маҳаллий давлат идоралари ваколатларини босқичма-босқич фуқаролар йиғинларига топшириш борасидаги ишларни янада кучайтириш зарурияти мавжудлиги аниқланди.

Чори ЛАТИПОВ.

СЕМИНАР

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНМИ?

Репродуктив саломатлик, оилада муносабатларни шакллантириш эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўзаро бурчларини англашни таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлашда ота-онанинг ролини кучайтириш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларни, балоғатга етмаган ёшларнинг турмуш қуришларининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини ва оилани маҳаллий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш, оила аъзоларининг моддий-ижтимоий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда эркакларнинг жавобгарлигини кучайтириш ва ҳоказолар...

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ва унинг Самарқанд вилоят бўлими, «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва вилоятнинг саломатлик борасидаги ташкилотлари ҳамкорлиги Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида бўлиб ўтган семинар мавзуси ҳам, мақсад ва моҳияти ҳам ана шу таъриф орқали ифодаланди.

Хўш, бу борада мазкур ҳудудларда ҳолатлар қандай? Бу ўриндаги муаммоларга қарши қандай усулдаги фаолият самаралироқ бўлади? Деярли ўнта маърузачи маърузасида, мунозарага чиққан тингловчиларнинг деярли ҳар бири шу савол атрофидан узоққа кетиша олмади. Бу табиий ҳол эди.

- Биз аёлнинг нафақат жамият фаолиятида, балки оилавий ҳаётда ҳам тенг эканлигини тушунтиришимиз жуда зарур, - дейди семинарни бошқарган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокими муовини Барно Солиева.

Семинар ишида қатнашиб маруза қилган ЮНЕСКОнинг бу борадаги лойиҳаси координатлари Комилжон Аҳмедов мазкур семинар каби тадбирларни кўпайтириш билан бирга уларнинг таъсир самарасига эришиш лозимлигини алоҳида қайд этди. Маърузачилардан вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Таъниберди Қурбонов бу борада умуман, тадбирлар тадбирлигича қолиб кетаётганлигидан ачиниб гапирди. Шу маънода бу семинарнинг иккинчиси Каттақўрғонда ўтиши худди шу ҳолатга, яъни мақсадга эришиш учун қўйига қараб йўл олиш тажрибасининг кўриниши бўлди, дейиш мумкин.

Каттақўрғон шаҳридаги тижорат техникумида ҳаёт шу куни ўзгача бир ҳолатда бўлди. Ҳар бир танаффусда техникум радиосидан ЮНЕСКО ва бугунги семинар мавзуси ҳақида ахборотлар бериб турилди. Шаҳар ҳокими семинарни очар экан, бу ерга тингловчи сифатида жам бўлган турли мутахассислар, маҳаллалар вакиллари, «Маҳалла» жамғармаси бўлинмаси, «Саломатлик» марказлари ходимлари ва бошқалар бу семинар мавзусини бутун шаҳар бўйлаб ёйишларини билдирди.

- «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ўзининг бу тажрибаси орқали «Маҳалла» жамғармасининг янги бир самарали фаолиятини бошлаб берди, - дейди «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари, марказ директори Рустам Бобожонов. - ЮНЕСКО ва ЮНФПА «Репродуктив саломатлик ва жинсий муносабатлар» қўшма лойиҳаси дастурларини аҳолига тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш ҳам семинар ишининг бош мақсадларидан биридир.

Ўз мухбиримиз.

Сурхондарё

«МАҲАЛЛАМИЗ БОЛАЛАРИ» ТЕЛЕБЕЛЛАШУВИ

«Маҳалламиз болалари» телевизион беллашуви Бойсунда тасвирга олиниши тўғрисидаги хабар тезда оғиздан-оғизга кўчди, одамларнинг эътиборини тортди, қизиқишини уйғотди. Муҳташам маданият саройининг кўркам ҳовлиси бир зумда Оби ҳамда Н. Аъзамов номли маҳаллалар ёшлари, мухлислар, томошабинлар билан лиқ тўлди. Улар орасида меҳнат ва уруш фахрийлари, зиёлилар, тадбиркорлар, ҳунармандлар ва бошқа турли касб эгалари бор эди.

Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Т.Мустафоқулов бошчилигида нуфузли ҳакамлар ҳайъати белгиланган ўриндиқлардан жой олди. Оби маҳаллосининг «Ҳумо», Н.Аъзамов номли маҳалланинг «Самандар» номли жамоалари бешта шарт асосида ўзаро беллашдилар.

Беллашувда кучлар тенг тушди. Дўстлик, ўртоқлик, маҳаллараро аҳиллик ғалаба қозонди.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Синчков нигоҳлар

Тошкент вилояти

КУЧЛИ ЖАМИЯТНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИ – МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ

Баҳор номли 22-маҳалла Чирчиқ шаҳридаги ибратли маҳаллалардан бири ҳисобланади. Айни вақтда масканда икки минг нафардан зиёд, ўттиздан ошиқ миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳоли тотувлигини сақлашда, уларнинг тинч ва осойишта яшашини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг хизмати катта бўлаётир. Хусусан оқсоқол Собит Зокировнинг раҳбарлигида катта ишлар қилинди.

- Маҳалламизда ҳар бир байрамни уюшқоқлик билан ўтказиш одат тусига кириб қолган, - дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли С.Зокиров. - Мустақиллик, Наврўз байрамлари дейсизми, Хотин-қизлар куни, Хотира ва қадрлаш куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни дейсизми, барча-барчаси кенг жамоатчилик иштирокида, кўтаринки кайфиятда нишонланади.

Айниқса, ёшлар билан ишлаш асосий эътиборимизда турибди. Улар иштирокида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий мавзуда турли тадбирлар уюштираяпмиз. Қўллаётган тадбирларимиз изсиз кетмаётганлигидан мамнунмиз.

Маҳалламиз ҳудудида жойлашган 3-шаҳар кутубхонасида китобхонлик кечалари, айниқса, Зулфияхонлик кечалари мунтазам ўтказиб турилибди.

Тозаликка, ободончиликка ҳудуда эътибор қаратаётган маҳаллада вақти-вақти билан ободонлаштириш учун аҳоли ўртасида ҳашар ўтказиб турилади. Аҳоли тинчлигини сақлашда маҳалла профилактик назорат инспекторлари билан ҳамкорликда ишлаш яхши натижа бермоқда. Шунингдек, бу борада маҳалла посбонларининг хизматлари беқиёсдир. Яқинда маҳалла посбони Равшан Усмонов алоҳида ўрнак кўрсатганлиги учун шаҳар ҳокимлиги томонидан мукофотланди.

Шу ўринда, маҳаллада яқиндан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ташкилоти - «Баҳор» ширкати томонидан қилинаётган ишлар хусусида аҳолида тўхталиб ўтиш жоиз. Ширкатга айни кунда ёш ва ғайратли инсон Шавкат Аляминов раҳбарлик қилаётир. Ширкат ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ҳозирга қадар кўплаб уйларнинг томи қайтадан таъмирдан чиқарилди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳалладаги барча ишлар халқнинг куч-ғайрати билан уларнинг ўз манфаати учун амалга оширилаяпти. Демак, кучли жамият шу тарзда ўзининг кучли давлатини қурар экан-да...

Икром БЎРИБОЕВ.

Қашқадарё

ПОСБОНЛАР ҲУШЁР

Қашқадарё вилояти Китоб туман ички ишлар бўлими ходимлари маҳалла посбонлари билан яхши алоқа ўрнатишган. Айниқса, маҳалла посбонлари билан бевосита ишловчи жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари самарали натижаларга эришмоқда.

Ички ишлар ходимларига 37 нафар маҳалла посбони бириктирилган. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида фош этилган жиноятларнинг 12 тасида улар бевосита иштирок этишган. Участка инспектори милиция капитани Шуҳрат Ҳалимовга Жовли Турдиев номли ва Наврўз жамоа хўжалиги ҳудуди бириктирилган. Унга Олим Гадоев бошчилигидаги маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

- Биз постда турганимизда, - дейди биз билан суҳбатда маҳалла посбони сардори Олим Гадоев, соат тунги 2 лар чамаси эди, кимдир мол ҳайдаб келаётганини кўрдик ва дарҳол бориб суриштирдик. Хатти-ҳаракатларида шубҳали қиликлар пайдо бўлиб, «нотаниш овчи» адирлар томон қоча бошлади. Эпчил посбонларимиз уни тезликда тутиб келиб, ички ишлар бўлимига топширишди.

Шерали АНВАРОВ.

Лолахон опа билан суҳбатлашиш ҳам осон, ҳам қийин бўлди.
Дабдурустдан, жиддий тортиб, мен ҳақимда ёзмоқчи бўлсангиз билиб қўйинг, одатдаги тадбиркорлардан, мулкдорлардан эмасман, дегандек, гапни Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанддаги қабр тошига ёзилган ушбу сўзлардан бошладилар:

Қорақалпоғистон

МУЛКДОР БОЙИСА ҲИММАТ ҚИЛАДИ

- Буюк бобокалонимиз, ўзларига қарата шундай деган эканлар. «Эй, Хожа, бу жаҳоннинг ҳийлаларига тушунмай, ҳали ҳам алданиб юрибсанми? Оллоҳни рози қиладиган, савоб ишларни бир ёққа суриб қўйиб, соқолинг оқарган, ўлимнинг хабарлари келган бўлса ҳам, эрталабдан кечгача сийму зар йиғиш оворасидасан. Пулни кўпайтирсам, деган дард-алам оворасидасан, шу қалбингни эгаллаб олган. Сармоянг, у дунёга олиб кетадиган нарсанг, бир газ кафанлик. Билиб ол, бир газ кафан. У ҳам гумон, сенга насиб қиладими ё насиб қилмайди?»

Диққат қилингга, улуғ валий ўзларига қарата шундай деб турсалар, бу ёғига бойликка мубтало бўлиш, мулкдорликка интилиш қандай бўларкин?

Жавобимни кутибми ёки фикрларини жамлабми узоқларга боққанча бироз сукут сақлаб турган Лолахон опа ўзлари билан ўзлари гаплашгандек, оҳиста гапни улаб кетдилар.

- Ўшанда кўп ўйладим, манбаларни, қонунларни ўргандим, бири-бирига зид фикрларга бордим, тунларни бедор, кунларни беҳаловат ўтказдим, ўз ёғимга ўзим қовурилдим, янги соҳа эмасми, маслаҳатлашай десам на бир тажрибали инсон, на бир чуқурроқ тушунадиган ишбилармон бор эди.

Кутилмаганда кетма-кет, бир айлантирганни, чир айлантиради, деганларидек, падари бузрукворимиздан, волидайи меҳрибонимиздан айрилдик. Ўзбекистонда, Қорақалпоғистонда, Туркманистонда машҳур, қўша-қўша унвонларга сазовор бўлиб, ўзининг хуш овози, сайраган сози билан эл-юртга танилган суюкли акамиз Отажон Худойшукуров бевақт вафот этди.

Умри асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани ҳокимлиги даражасида мафкура, маънавият, маърифат, хотин-қизлар билан ишлаш ишларида кечган Лолахон опа кинопрокат муассасасида фаолият кўрсатиб юрган пайтда Ўзбекистон Республикасининг қонуншунослик соҳасида муҳим воқеа юз беради. «Мулкчилик тўғрисида» янги қонун қабул қилинади. Буни бозор муносабатларининг пайдо бўла бошлаган белгилари тақозо этарди.

Истиқлол насиб этган Ўзбекистон бағрида озод Қорақалпоқ халқига Худо баракотли назарини солди. Лолахон опанинг ҳам ишлари истиқлол туфайли юришди.

Зеро мулк жамиятимиз ҳаётининг ривожланиши учун зарур бўлган моддий манба эди. 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳилма-ҳил шакллардаги мулк ташкил этиши қонуний мустаҳкамланиб қўйилади.

Масалаларни мустақил фикрлаб, таҳлил этиб ҳал этишга ўрганган Лолахон Юртбошимизнинг Қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида мулкдорларга таянишлари тўғрисидаги маърузаларини эшитиб, моҳиятини тушунганидан кейин халқнинг мулкдорлар синфига мансуб бўлишини ўйлаб ишга киришди. Шу йўл билан жамиятга ҳам, моддий қийналиб қолган оиласи, жигарларига ҳам манфаат келтиришни ихтиёр этди.

Ишлаётган кино соҳасидаги хўжалик ишлари мутасаддилари маслаҳати ва кўмаги билан биринчи бўлиб, видео ҳамда радио тасмалари билан савдо қилувчи, ижарага берувчи дўкон очди. Сўнг ўзини моддий томондан тутиб олгач, тижорат, ишлаб чиқариш ишларини ривожлантириш фикрига тушди.

- Бир куни, одатдагидек, янги газеталарни ўқиб ўтириб, шундай бир эълонга кўзим тушиб қолди. Унда Тошкентда совун тайёрлайдиган дастгоҳ сотилиши, манзилгоҳи, телефони ёзилган эди. Менда эса, ёғ ишлаб чиқариш корхонасида совун тайёрлашда керакли бўладиган хом ашё чиқиндиси сифатида, зовурга ташлаб юборилаётгани ҳақида маълумот бор эди. Ўтирган жойимда, газетада кўрсатилган телефон рақамларини тердим.

Хуллас, совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

У қондош-жондошларидан ҳам ёрдамини аямади, энди қўни-қўшни, Меҳрибонлик уйларидан, етим-есирлардан, болалар боғчаларидан, мискинлардан ҳам бир хабар олиб қўйишни унутмади.

- Ёлғиз ўғлим бор. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи бош қаҳрамони Отабекка ўхшасин деб, шу исмни қўйганман унга. Ҳозир Тўрткўл туман тадбиркор банкининг бошқарувчиси вазифасида ишлаб турибди.

Келиним Хадича Рустам қизи Оллошукурова олий маълумотли акушер-гинеколог, шифохонада бўлим мудири. Зиёли, олимлар оиласида камол топгани учун оиламизга гулдек яраши. Бир-биридан ширин икки ўғил, икки набира - Бобур ҳам Фурқатжонлар насаб шаънини оқлаб хулқи сарбаланд болалар сафида юрадилар.

Оиласидан, фарзандидан хотиржам Лолахон опа, тадбиркорлик йўлида бардам, ташаббусга ўч, келажакдан умиди катта. Унинг ҳозир, Тўрткўлда ким ошди савдосида сотиб олган замонавий бензин қуйиш маркази, эллик ишчи меҳнат қилаётган турли сочиқлар ишлаб чиқарадиган корхонаси, озиқ-овқат, дорихона, автоулов қисмлари билан савдо қиладиган дўконлари юрт хизматида.

Ҳозирги кунда, мавжуд икки юзта атрофидаги ишчи ўрнига эга бўлган ишлаб чиқариш, тижорат ўринларини янада кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконияти бор. Айни вақтда, Ҳайит, Наврўз, Мустақиллик байрамларида, кундалик ҳаёт чорраҳаларида кам таъминланган оилаларга, хайру эҳсон, совға-салом бериш манбаларини орттириш нияти бор.

Отам Оллошукур Йўлдошев машҳур, Ўзбекистон ҳамда Турманистон, Қорақалпоғистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг энг яқин дўсти, ансаблининг етакчиларидан бири бўлганлар. Улар етмаган кунларга, бойликларга етиб юрибмиз. Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайман, бойлик, мулкдорлик бир-биримизга адоватни солмасин. Унутмайлик, адоватнинг асоси эса - бойликка ҳирс қўйишликдир. Бой, мулкдор ким, деб савол бериб тураман ўзимга ўзим. Менимча, бойдек юрган, назари тўқ, мурувватли, меҳр-оқибатли, карамли, иймони бор одам - бойдир.

Насиб этса, мол-мақсулот кўпаяди, мўлчилик бўлса - нарх-наво пасаяди, арзончилик бўлади, сифат кўтарилади. Бироқ, афсуски тижоратга, мулкдорликка берилиб кетган айрим юртдошларимиз маънавий томондан қашшоқлашиб қолаётгандек кўринади. Инсоф, диёнат, ҳалоллик, поклик, меҳр-оқибат мўминнинг олий вазифаси эканлигини унутиб қўяётгандек, кўринади. Ваҳоланки, тижоратнинг, мулкдорликнинг ижобий томонлари беадад. Ота-боболаримизнинг «Ҳалолидан берсин!» деган дуоларида ҳикмат кўп.

Лолахон опа қишин-ёзин ҳаракатда.

- Қурилиш қилаверсанг, меъморчиликка ҳам кўзинг стиб қоларкан, - дейди тадбиркор.

- Яшаб турган маҳаллам-даги бўш ётган, безарар ариқ устини тўғрилаб дўкон қурилишини бошлаб юбордик.

Рағбат катта-ю кичик, барчани ҳаракатга солиб қўяр экан.

Тўрткўлга янги келган ҳоким Турсунбой Таниберганов қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, ишбилармон тадбиркордан чиққан мутахассис экан. Лолахон Оллошукурова тадбиркор сифатида амалга оширган қурилишларни, дўкон, корхоналарни кўриб, истиқболда янада каттароқ ишларга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилганини айтиб, доим қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдириб рағбатлантирибди.

- Мен ҳокимда, беғараз, камтар, эл манфаатини ўйлаб иш тутадиган, ижодкор тадбиркорни кўрдим. Бир айланишдаёқ амалга оширган ишларимни кўриб, такомиллаштириш, камини тўлдириш, янгиларини очиш режаларини аниқ белгилаб берди. Масалани жойида ҳал этиб кетди. Шундан кейин қандай қилиб ишламайсиз.

Бу гапда жон бор эди. Бензин қуйиш ғўшасига борганимизда айтиб беришди.

- Лолахон опа, мол эгасига ўхшайди, дейишарди, бу ер тескарисиқ эгасига мос келмаяпти. Тошкентдаги кичик «заправка»ларни кўрганмисиз...- деганди ўшанда ҳоким.

Яхши отга бир қамчи, деганларидек, ўша соатдан Лолахон опанинг тинчи бузилди. Эртасига қолдирмай Тошкентга учиб кетди. Аввал кўрган бўлса ҳам, эътибор бермаган бензин қуйиш нуқталарини синчиклаб кўриб, йўл-йўлакай қилинадиган ишлар режасини тузиб қайтди. Бир ойга қолмай, таниб бўлмас даражада тузатиб озода-обода қилиб қўйди. Баҳонада, унинг атрофида фавворали ошхона, машинани таъмирлаш устахонасига жой очилди. Орқадаги ўттиз сотихдан ортиқ ташландиқ ер тадбиркор тасарруфига берилди.

- Яна бир иш қилмоқчиман, - дейди опа бўш ерни кўрсатиб, - Қорақалпоғистонда, айниқса, мана шу Тўрткўлда авваллари ажойиб бир одат бўларди, шуни тикламоқчиман. У ҳам бўлса, мевали боғ яратиб, чеккасига иккитўрт туп чинор ўтқазиб кўйишарди. Чинорнинг хосияти катта. Биласиз, илдизлари узун, бақувват, танаси баланд, шохлари кенг тарвақайлаб ўсади. Яна бир хосияти - минг йилдан ортиқ, узоқ яшайди. У боғимизни, бензин дўконимизни шамоллардан, чанг-тўзонлардан, шўр ҳаволардан асраб туради. Йўл юриб, чарчаган йўловчилар автоуловларидан бензин олгунча шу чинорлар тагида, чойхонада дам олиб ҳордиқ чиқариб, ором олишсин, дуо қилишсин. Боққа кириб меваларидан танаввул қилишиб, уни барпо қилганларни эслаб юришсин.

Гапнинг очиғи, туманимизда ер старли, мева, айниқса ўрик яхши ўсади. Нега табиат иноъом этган шу эҳсондан фойдаланиб, экспортбоп мева шарбатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймаймиз? Мазкур боғ, шу йўлдаги дебочамиз бўлади.

Худо хоҳласа, гилам тўқиш корхонаси, болалар боғчаси, келиним акушер-гинеколог Хадичахон Рустам қизи билан ҳамкорликда махсус тиббиёт маскани қуриб халқимизга хизмат кўрсатмоқчимиз.

Ҳа, Лолахон опа, қудуқ қазир бир киши, сувини ичар минг киши, дейди халқимиз. Ота-онангизнинг дуосини олиб улғайган, элга хизмат қилиб, меҳрибон она бўлиб минглаб кишиларга ризқ-насиба улашиб, хизмат қилиб келаётган эксанси асло кам бўлмайсиз.

Муҳаммад РАСУЛ.

Суратларда: тадбиркор корхонасидан лавҳа.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил Кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Рамазон ой амаллари Минг чандон савобликдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Учинчи, сўнгги ўн кунликда Оллоҳ таоло бутун вужудимизни дўзахдан озод этади - бандаси дўзах азобидан озод бўлади.

Албатта, Оллоҳнинг ушбу марҳаматларига эришмоқ учун ҳар даҳанинг қонун-қоида, талабларига риоя этмоқ ҳаракати талаб қилинур. Бу ойда иймонли одам рўза тутиш билан бирга, ҳар хил ёмонликларга, ёлғон сўзларга ўйлаб ёндошади. Оллоҳ таоло учун ихлос билан Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқликни ният қилган ҳар бир инсон тонгдан ибодатга кирган бўлади. У ишга борадими, ўқишга, ёки бозорга борадими, бирдек ибодатнинг ичида бўлади. Рўза тўғрисида шундай ҳадис бор. Яъни у қуйидагича: Оллоҳ таоло шундай деган: «Одам боласининг рўзадан бўлак барча амаллари ўзи учундир, рўза мен учундир ва мен одам боласини рўза туфайли мукофотлайман. Рўза жаннатийдир. Сизлардан рўзадорларингиз рўза тутган пайтингизда хотинига яқинлик қилмасин ва бақирмасин. Агар бирор киши хотинини сўкмоқчи ёки у билан уришмоқчи бўлса унга: «Мен рўзадор кишиман», деб айтсин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот билан қасам ичаманки, рўзадорнинг оғзидан чиқаётган бадбўй ҳид Оллоҳ наздида мушкнинг хушбўй ҳидидан ҳам афзалроқдир».

Рўза шундай ибодатки, инсон ўзининг Оллоҳга бўлган ишончини, севгисини исбот этади. Рўзадор Оллоҳнинг буйруғини деб нафсини тийиб, ўз иродасининг мустаҳкамлигини синаб кўради. Шу билан бирга рўзада инсоннинг ташналикдан ичи куяди, ана шунда инсоннинг вужудидаги гуноҳлари куяётган бўлади, шу асосда вужудидаги гуноҳдан покланиб олади. Тангрининг бу ойдаги марҳаматлари шу даражадаки буюрилмаган ибодат бўлса ҳам, таровиҳ намозини ўқиймиз, уни ўқиса савоб, ўқимаса, гуноҳкор бўлмайди киши. Лекин шуниси борки, рўзада таровиҳ намозининг савоби бошқа ойнинг фарз намози савоби билан баробар. Бу ойнинг фарз намозлари савоби эса бошқа ойнинг фарз намози савобидан минг маротаба ортиқдир. Рамазон ойидаги бир танга садақа бошқа ойнинг минг танга садақаси билан баробар. Қуръон шу ойда нозил бўлиши шарофати билан ушбу мукофотлар берилаяпти, Оллоҳ томонидан. Шунга яраша инсон ҳам шу ойда қўлидан келган барча савоб ишларни қилса, тутган рўзамни Оллоҳ қабул этсин деса, биров билан аразлашиб юрган бўлса, узр сўраса, бировнинг дилига озор беришдан, бировни хафа қилишдан ўзини тийса, улуғ иш қилган бўлади. Шу ойда ота-она тирик бўлса рози этинг. Ҳурматларини қилиб қолинг, ифтору саҳарликларига хушёр туринг, қариндош-уруғлардан хабар олинг, улар ичида, кўни-кўшнилар орасидами, маҳалладами қийналиб қолган бўлса ёрдам беришга ҳаракат қилинг.

Етимлар бошини силанг. Рамазон ойида Оллоҳнинг раҳмати қанчалик жўш урса сиз ҳам меҳрибончилигингизни жўш урдиринг. Оллоҳ таоло инсониятнинг қанчадан-қанча қилган гуноҳларини кечади. Зеро, инсоният айбдан холи эмас. Бешак парвардигор. Рамазон улуғ ой. Савобдан қуруқ қолмасликка ҳаракат қилмоқлик лозим. Рўза тутолмаяптими, тароиҳга чиққиси борми, Хатми Қуръон эшитгиси борми, Хатми Қуръонни эшитиб, таровиҳ намозини ўқиши лозим. Рўза тутолмадингизми, энди бу савобдан ҳам қолманг, шароит бўлмаяптими, билган дуоларингизни ўқинг, баъзи бир жоҳил одамларнинг бемаврид гаплари бор, э, рўза тутмаганингдан кейин нима қиласан, таровиҳ намозини ўқиб деган. Бунга қулоқ солманг, таровиҳ намози бошқа нарса, рўза тутиш бошқа фарз. Хўп, бу инсон касаллиги сабабли рўза тутмаянти, ёки бошқа узрли сабаби бор. Нима қиласан, таровиҳ намозидан қолдириб. Рўза тутмасанг, саҳарликка туриб нима қиласан, дейди баъзилар. Саҳарликнинг ўзи бир ибодат, савобку. Ёки яна бировлар рўза тутмасанг, ифторлик қилиб, унга бориб нима қиласан, дейди. Ифторлик қилиш савоб. Лекин шу ерда айтиб қўяй: ифторлик бу тўй эмас, катта қилиш керак эмас. Қуда чақириқ қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиб тумаонат одам билан ўтказиш шарт эмас. Иккита нон қўйиб, ихчам ўтказсангиз ҳам савоб. Қайта яхши - риёси йўқ, манманлиги йўқ. Рўза тутмасангиз ҳам биров сизни сийлаб ифторга айтдими, боринг, рўза тутганлар билан ўтиринг, маъруза бўлса эшитинг, савоб бўлади. Одамлар орасида баъзилари ҳам бор. Улар бир иш қиламан деганни ишидан қайтариб туради. Рўза тутишга соғлиги йўқ. Закотга эса қодир. Закотни берсин. Бир сабаб билан, рўза тутолмайди, аммо таровиҳ ўқишга қодир. Таровиҳ ўқисин. Ёки рўза тутдингми, тароиҳни ўқишинг шарт, дейдиганлар бор. Бу ҳам нотўғри. Ҳар бир савоб ишнинг ўзига яраша оти бор, ўзига яраша буйруғи бор. Бу ойда кўпроқ дуолар қилишимиз, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатишимиз даркор. Пайғамбаримиз САВ уч марта бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, деган эканлар. Шунда кимни? - деб сўраганларида рамазон ойига соғ-саломат кириб биронта савоб иш қилмаганнинг, деган эканлар.

Қарангки, рўза тутиб тароиҳ ўқиб, саҳарликка туриб, муаммал ҳаммасини бажарган инсон нур устига нур қилади. Лекин рўза тутолмаган одам ҳеч бўлмаса, Хатми Қуръонни эшитсин, уни ҳам қилолмаса, саҳарликка турсин, ёки ғариб-мискинларнинг ҳолидан хабар олсин. Ҳеч бўлмаса, шу ойнинг ҳурмати қилмишидан уялсин, рўзадорларнинг олдида таом ейишга уялсин. Қадимда Рамазон ойида бир мушрикнинг боласи мусулмонларнинг боласи олдида нон еб юрганда онаси чақириб олиб, қулоғининг тагига бир урган экан. Мусулмон болалари рўзадор бўлса, сен уларнинг олдида уялмайсанми нон еб юргани деб. Шу феъли билан мушрика аёлга Худо ҳидоят бериб, иймонга кириб, мусулмон бўлган экан. Баъзи бирларимизда шу ҳурмат ҳам йўқ. Боламиз балким, узрлидир. Лекин инсонни, мусулмонни, рамазонни рўза тутганларни ҳурмат қил, рўза тутганларнинг олдида бақрайиб овқат ема, озроқ уялса гуноҳ ўрнида савоб топади одам. Пайғамбаримиз САВ айтган эканларки, агарда умматим рамазонда Оллоҳнинг бандаларига берадиган мукофоти, ажри-азмларини қандай эканлигини билганларида эди, бутун умр орзу қилишардики, ҳамма ой рамазон ойидақа бўлсин, деб. Уламои киромларимиз айтадиларки, рамазон ойининг биринчи кечасида Иброҳим алайҳиссаломга варақ-варақ бўлиб китоб нозил бўлган. Шу рамазон ойининг олтинчи кечасида Мусо алайҳиссаломга Таврот нозил бўлган. Забур Довуд алайҳиссаломга рамазоннинг ўн иккинчи кечасида нозил бўлган. Рамазон ойининг ўн саккизинчи кечасида Исо алайҳиссаломга Инжил нозил бўлган. Тўртта буюк китоб ҳам мана шу рамазон ойида нозил бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламга Қуръон мана шу ойнинг йигирма еттинчи кечасида нозил бўлган экан.

Пайғамбаримиз САВ айтганлар, тўрт нафар инсонга - тўрт хислат эгаси бўлган инсонга жаннат ҳамиша муштоқ: Қуръон тиловат қилгувчига, шу рамазон ойида Қуръон тиловат қилгувчиларга, шу рамазон ойида тилини ёмон гаплардан сақлаб юрганларга, шу рамазон ойида рўзадорларга ифторлик қилиб берувчиларга ва шу ойда рўза тутганларга. Мана шу тўрт тоифа инсонга Оллоҳ таоло жаннатни муштоқ қилиб қўяркан. Учта одамнинг дуоси рад қилинмас экан. Биринчиси, ота-онанинг болага қилган дуоси, иккинчиси сафарда юрган мусофирнинг дуоси, учинчиси рамазонда рўза тутиб, ифторлик қилишдан олдин рўзадорнинг қилган дуоси рад қилинмас экан. Рамазонда оғиз очишдан олдин эзгу тилакларни тилаб, юртимизнинг тинчлиги, ободончилигини, халқимиз тан-жонини соғ-саломат, Ўзбекистонимизни кундан-кун равнақ топиб, файзли бўлишини инсонларнинг бир-бири билан меҳр-оқибатда, Ватаннинг қадрига етиб яшашини дуолар қилиб, Оллоҳдан сўрайлик.

Оллоҳу Акбар!

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

نويت ان اصوم صوم شهر رمضان من الفجر الى المغرب
خالصا لله تعالى الله اكبر

Навайту ан асўма совма шаҳри ромазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.

Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун боттунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

اللهم لك صمت و بك آمنت و عليك توكلت و على
رزقك افطرت فاغفر لى يا غفار ما قدمت و ما اخرت

Аллоҳумма лака сумту ва бика ăмонту ва ъалайка тавакколту ва ъалă ризқика афторту, фағфирлї йă Ғоффăру мă қоддамту ва мă аххорту.

Яъни: Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

ТАРОВИҲ ТАСБИҲИ

سبحان ذى الملك و الملكوت سبحان ذى العزة و العظمة و القدرة و
الكبرياء و الجبروت سبحان ملك الحى الذى لا ينام و لا يموت سبوح
قدوس ربونا و رب الملائكة و الروح لا اله الا الله نستغفر الله نسئلك
الجنة و نعوذ بك من النار

Субҳăна зил мулки вал малакўт. Субҳăна зил ъиззати вал ъазомати вал қудроти вал кибрийăи вал жабарўт. Субҳăна маликил ҳаййилази лă йанăму валă йамўт. Суббўҳун қуддўсун роббунă ва роббул малăикати варўҳ. Лă илăҳа иллаллоҳу настағфируллăҳ, насъалукал жанната вă наъўзу бика минан нăр.

Рамазон	ноябр декабр	ҳафта кунлари	саҳарлик тугаши	ифтор вақти	қайд учун
1*	28	сешанба	5:42	16:59	
2	29	чоршанба	5:43	16:59	
3	30	пайшанба	5:44	16:59	
4	1	ЖУМА	5:45	16:58	
5	2	шанба	5:46	16:58	
6	3	якшанба	5:47	16:58	
7	4	душанба	5:48	16:58	
8	5	сешанба	5:49	16:58	
9	6	чоршанба	5:50	16:58	
10	7	пайшанба	5:51	16:57	
11	8	ЖУМА	5:52	16:57	
12	9	шанба	5:53	16:57	
13	10	якшанба	5:54	16:57	
14	11	душанба	5:55	16:58	
15	12	сешанба	5:56	16:58	
16	13	чоршанба	5:56	16:58	
17	14	пайшанба	5:57	16:58	
18	15	ЖУМА	5:58	16:58	
19	16	шанба	5:58	16:59	
20	17	якшанба	5:59	16:59	
21	18	душанба	6:00	16:59	
22	19	сешанба	6:00	17:00	
23	20	чоршанба	6:01	17:00	
24	21	пайшанба	6:01	17:01	
25	22	ЖУМА	6:02	17:01	
26	23	шанба	6:02	17:02	
27	24	якшанба	6:03	17:02	
28	25	душанба	6:03	17:03	
29	26	сешанба	6:04	17:04	
30	27	чоршанба	6:04	17:04	

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):

Аввал: Андижон –13, Жамбул –2, Наманган –9, Термез –2, Фарғона –12, Хўжанд –4, Қўқон –8, Ўш –15.
Кейин: Бухоро +16, Гулистон +1, Жиззах +4, Навоий +14, Нукус +42. Самарқанд +5. Ўрганч +37. Хива +37. Чимкент +3. Қарши +8.

МАСЛАҲАТ ЭМАС, ҲАНГОМА

БОЗОРГА «ТУШИБ КЕЛИШ» УЧУН БОРАМИЗМИ?

Шу десангиз, «Mahalla» саҳифаларида берилаётган «Хушёрлик маслаҳатлари»га кўзим тушганди. Айниқса, бозордаги машмашаларга дахлдорларини ўқиб, шахсан менга кераги йўқ, деб ўзимча керилиб қўйгандим. Керилганим бекормас, ўзимни бозорнинг барча тартиб-қоидаси, харидор-сотувчининг «қўшинг-туширинг» савдосининг энг билағонларидан деб биламан.

Буни билмайдиган ҳам бор эканми, дерсиз! Э, бор бўлганда қандоқ. Афсуски, охирги бозорга тушишим сабаб ўзимни ҳам ўша билмайдиганлар қаторига қўшишга мажбур бўлиб қолдим.

Эсимни таниганимдан бери бозорни ўзим қиламан. Уйланиб, бўйнимга рўзғор тўрваси илингач эса бу нарса хонадонимдаги қатъий тартибга айланди. Бозордан келган тўрхалталарни бўшатаётган ожизамизга «буни фалон сўмга тушириб олдим, уни фалончага савдолашдим» деб мақтанишни ҳам канда қилмасдим.

Тўғриси, тўнғич қизимизга куёв бўлмишни ҳам бозор-ўчарни эплашига қараб синовдан ўтказганман. Ўзимча, одамнинг бозор-ўчар қилишига қараб туриб, унинг фазилатию нуқсонларини тўкис бўлмаса ҳам эллик фоизини билиб олса бўлар экан, ўйлаб юраман.

Хуллас, ўтган бозор куни яна тушдим... бозорга. Гўшт растасига ўтдим. Айланиб қайтаётсам, чиройли тилимланган от гўшти кўзимга яхши кўринди. «Бир норин ейлик», дедим-да олдим. «Олдим» деганда мен нақ ўн беш дақиқада пишган савдони, тарози посонгисини текшириб, ҳар доимгидек камида ярим кило келадиган суяк-саёқлардан қатъий бош тортганимни ҳам назарда тутяпман. «Акажон, суяк қўштирмасангиз, лаҳм нархида тўлайсиз, тарозим ҳам тўппа-тўғри» деди сотувчи йигит. Кўндим. Халтага солаётганда кўзимни узмадим ундан. «Акажон, шу суякни ҳам сизга бераман, шўрвага мазаси чиқади» деди такаллуф билан у. Индамадим. Бозордан чиқиб келаётсам, нақ дарвоза олдида деворга қоқилган тарозини кўриб қолдим. Тепасида «Харидингизни текшириб кўринг» деган ёзув. Аниқ биламан, олдин бу ерда йўқ эди текширув тарози. Янгича қулайликдан фойдаланиб қўйиш илинжида ҳозиргина олганим гўштни тарозига қўйдим. Қизиқ, нақ ярим килога кўп чиқди. Ҳайрон бўлдим. Халтадан кўриниб турган суякни кўриб, тушундим: сотувчи йигит суякни «шундоқ» қўшиб берганди-ку ахир. Хотиржам уйга ошиқдим.

- Онаси, эртага бир норин ясайсиз-да, мана от гўшти олиб келдим, ҳалиям кишнаб турибди, жонивор!

Зиралаб-тузлаб қўя қолай деб, хиргойи қилганча халтани бўшата бошладим. Олдин текинга келган суякни олдим, гўштни ҳам олдим. Не кўз билан кўрайки, халта тагида биринчисидан икки баробар каттароқ иккинчи суяк! Шундайки, шўрвага ҳам солиб бўлмайди. Шунга шунча ваҳимами, бир сиз эдингизми бозорга тушган деяпсиз. Умуман олганда ҳақсиз, лекин мен бошқа нарсага ҳайронман. Кўзбойлашга бундай «уқуви» бор одам ширкда томоша кўрсатса арзийди, ахир! Шундай катта суякни, менчалик хушёр харидорга сездирмасдан жойлаб бериш сеҳргарликдан бошқа нарса эмас! Хуллас, сотувчининг кўзбойлағичликни ҳам сотувчиликни ҳам боплаётганига «офарин»лар айтишдан, ўзимни бозорнинг энг хушёр олувчиси деган фахрдан айришдан бошқа иложим қолмади.

Ўйлаб қарасам, ҳар доим ҳам халталарни ўзим бўшатмагандимку. Балки бунгача ҳам... Шу воқеадан кейин нима учун бозорга отланганда «бозорга тушиб келай» дейишимизни ҳам тушунгандекман. Бозорларимиз чуқурликда, ёки жарликда жойлашган эмас-ку. Демак, бозорга хоҳланг-хоҳламанг «тушиб келиш» учун бориларкан-да!

Аттанг, кейинги бозор куни кенжа қизимга куёвликка даъвогар йигитни бозорга, «имтиҳон»га олиб тушмоқчийдим. Фикримдан қайтдим. Бозордаги кўзбойлоқчилар, йўғэ, сотувчилар туфайли яхшигина йигитни қўлдан чиқариб юборишдан...

Бозорда «тушган» харидорнинг ҳикоясини оққа кўчирувчи
Мавлуда ҚОСИМОВА.

ЧОРРАҲАДАГИ АЁЛЛАР

оилавий, маиший зўравонликнинг асосий қурбонлари ожизалардир

**** Олис юртга гумдон бўлган эрлар***
**** Аёлнинг мулкдорлик ҳуқуқи...***
**** Адвокат ажрашишга шошилтирмади ва аёл бундан ютиб чиқди!***

Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ахборотига кўра, 1999 йили Ўзбекистонда 26 мингта оиланинг никоҳ аҳди бекор қилинган. Марказнинг Демография ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи асослари бўлимининг мудири, география фанлари номзоди Ҳакима Назарова берган маълумотга қараганда, жами ажримларнинг 10 фоизини бир йилгача никоҳда турган ҳамда фарзанди бўлмаган оилалар, 34 фоизини - никоҳда 5 йилдан 9 йилгача биргаликда яшаган, 56 фоизини 10 йилдан ошиқ никоҳда турган ўрта ёш ва қариялар оиласи ташкил этар экан. Кейинги тоифанинг нисбатан кўп бўлишига ихтиёрсиз ажрим, яъни оила аъзоларидан бирининг табиий равишда вафот этиши сабаб бўлса, 10 фоизни ташкил этувчиларнинг «фарзандсизлик» важини ҳам тушуниш мумкин бўлар... Лекин бизни ҳайратлантирган ҳолат ўзаро ҳамкорликда яшашга кўникиб қолган, қоларверса, 9 йил ичида уч-тўрт фарзандларнинг ота-онаси бўлишга улгурган «қўшҳўкиз» жуфтларнинг бузилган аҳд-паймонлари бўлди. Турмушнинг энг гўзал поғонасида турган, ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамоллик палласида яшаётган ўртаёшлиларда қандай қилиб, нима сабабдан ажрим бу даражада кўп бўлиши мумкин?

Оилалардаги мувозанатсизлик, эркаклар томонидан маиший зўравонлик ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун Адвокатлар маслаҳатхонасига ташриф буюрган эдим, зўравонликнинг янги ва янги усуллари пайдо бўлаётганини эшитиб ёқа ушладим. Тайинли бир жойда иш билан банд бўлмаган, одатда ота-онаси ёки аксарият ҳолларда хотининг елкасида оғир юк бўлиб яшашга ўрганган эрлар ҳозирги кунда бир қадар кўпайибди. Йўқ, улар зўравонлик қилиб аёлларини уришмайди, фарзандларига ҳам қўл кўтаришмайди. Бу тоифа эркаклар жомадонга жам бўладиган энг қимматбаҳо буюмларни олишади-да, номларига расмийлаштирилган автомашинага ўтириб, номаълум томонларга гумдон бўлишади. Бу ҳолатни оилавий мувозанатсизлик дейсизми, маиший зўравонлик деб атайсизми - одатда, эрлар учун бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими, улар хотинларини бир этак фарзанд билан қолдириб кетаётирлар. Уй-жой ҳам аслида ўзларининг номида бўлиб, ожизалар уни сотиш, совға қилиш, жилла қурса алмаштириш ҳуқуқига эга эмаслар.

- Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидан бўлган фуқаролар Тоҳир ҳамда Заҳро (исмлари маълум сабабларга кўра ўзгартирилди) 1975 йили никоҳдан ўтишган, - дейди Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари ва аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати Людмила Жукова. - 1994 йилнинг март ойида Тоҳир ҳеч қандай важ-карсонсиз, ортиқча гап-сўзсиз барча қимматбаҳо буюмлар ва зарурий ҳужжатларни йиғиштириб уйдан ғойиб бўлади. 2 нафар фарзанди билан 3 хоналик уйда ёлғиз қолган Заҳро қаергa бориб «дод» дейишини билмайди. Уйнинг коммунал тўловлари оғирлик қилаётгани учун уни кичикроғига алмаштирай деса - ҳужжатлари йўқ. Қолаверса, ёши йигирмалардан ошиб қолган икки нафар фарзандини ҳам едириб-ичириш, ҳам уйли-жойли қилиш керак. Бир сўз билан айтганда ҳаётнинг бу «орзу-ҳаваслари»ни эр хотининнинг бир ўзига ташлаб кетақолди.

Чилонзор туманидан Надежда эса Игор билан турмуш қурганларининг 15 йиллик саналарини 3 нафар фарзанди қуршовида сўппайиб нишонлашга мажбур бўлди. Сўнгги вақтларда ўзга аёл билан ўралашиб қолган Игор 1995 йилнинг ёзида Россия томонларга «бошини олиб» кетди. Тўрт хоналик уйнинг коммунал тўловлари, фарзандларни боқиб тарбиялаш юки биргина бошга оғирлик қилишини ҳис этган Надежда ҳозирги вақтда православ черковидан бошпана топган - эси қўйди-чиқди бўлиб қолган.

Узоқ ўлкаларга саёҳат бошлаган эрлар на ажрашиш учун ариза ташлаб кетишади, на болаларини боқиб ўтириш учун бирор маблағ! Сўнгги чора сифатида адвокатлар идорасига ташриф буюрган сўққабош аёллар ўз эрларининг суд томонидан бедарак йўқолган деб топилишини сўраб ариза беришади. Шундай қилинганида суд уларни ажрашган деб ҳисоблайди ҳамда эрнинг уй-жой ва мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ўз-ўзидан йўқолади.

- Кўп вазиятларда хотинларнинг мулкдорлик ҳуқуқи пухта ишланмаган, - дейди адвокат Л.Жукова. - 1992 йили қабул қилинган «Уй-жой коммунал хўжаликларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқини деярли ҳисобга олмаган. Эр-хотин орасида мулкий муносабатларда низо чиққудек бўлса, аксарият ҳолатларда аёллар эрларининг хонадонида оддий ижарачи эканликлари маълум бўлиб қолаётир.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина оилавий ажримларга ўткинчи иқтисодий қийинчиликлар, оила бошлиғи - эрларнинг ижтимоий меҳнатда банд бўлмаганлари, кейинги навбатда эса эр-хотин ва қайнона-келин муносабатларидаги тушунмовчиликлар омил бўлаётган экан. Никоҳнинг бекор қилинишидан кўпинча аёллар, эридан бир нечта фарзанд кўрган хотинлар азият чекишмоқда.

Масалан, Чилонзор туманида яшовчи 28 ёшлик Замира эри, фарзандлари ҳамда қайнота-қайнонаси билан 2 хоналик уйда бирга яшашарди. Уй эрининг номига расмийлаштирилган. Эрининг номида яна бир хоналик уй бору, лекин улар сиқилишиб бўлса ҳам шу хонадонда биргаликда яшашади. Оилада қайнона-келин муносабатлари таранглашгандан кейин эр ўзлари яшаб турган 2 хоналик уйни ота-онасига совға тарзида бериб, хотинини уйга нисбатан ҳақдорлик ҳуқуқидан маҳрум қилади. Оилавий низолар жиддийлашавергач, Замира эри билан ажрашишга қарор қилади. Лекин оилавий-маиший зўравонликнинг қурбони бўлиб турган аёлнинг келгусида иқтисодий-молиявий жиҳатдан ҳам тамоман хонавайрон бўлишини билиб турган адвокат ажрашиш ҳақидаги аризани қабул қилишга шошилмайди. Замира онаси билан қаторасига 3 кун адвокатурага қатнаса ҳам Л.Жукова бундай вазиятда ховлиқмаслик лозимлигини уқтиради.

- Аввламбор оиладаги низолар ҳақида ўзинг яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинига хабар бер, - деди адвокат - маҳалла фаоллари эрингни ўртага олиб маслаҳат солишсин.

Маълумки, ҳозирги янги қонунчиликка биноан судлар маҳалла идорасининг хулоса баёнисиз никоҳни бекор қилмайди. Қолаверса, эринг билан алоҳида ўзинг ҳам гаплашиб кўр, фарзандларимиз етим қолмасин, майли, алоҳида 1 хоналик уйга биз чиқиб кетайлик, дегин - маслаҳат солди ҳуқуқшунос.

Аввалига бундай мураккаб саҳнани ўйнай олишига Замира ишонқирамади. Лекин шу қисқа соатларда ўзининг, қорақўз фарзандларининг тақдири ҳал бўлишини ўйлаб, барча «санъатини» ишга солишга аҳд этди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас эса Замира адвокатнинг олдига қушдек учиб келди. Маълум бўлишича, маҳалла фуқаролар йиғини бу оиладаги муаммолар унчалик жиддий бўлмаганлиги, икки жуфтнинг никоҳини бекор қилиш самарасиз эканлигини ўйлаб ажримга рухсат бермабди. Бинобарин, маҳалла фаоллари йиғитни ўртага олиб, оталарча маслаҳат солишди. Хотининнинг биргаликда ҳаётдаги орзу-ҳаваслариниг тинглагач, жаҳл отига минган эр «эгардан тушибди-ю», 1 хоналик уйни хотинига совға қилиб юборибди. Айни кунларда бу оила Замиранинг номига расмийлаштирилган хонадонда умргузаронлик қилаётир.

Афсуски, омад турмушнинг қалтис чорраҳасида турган барча аёлларга Замирага бўлганидек кулиб боқаётгани йўқ. Бироқ қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам фаровон ҳаётга осонликча эришмади-да. Бунинг учун ҳақ-ҳуқуқини билиш, ўз ҳаёти учун курашиш, эри ва қайнона-қайноталар билан муомилада ўзаро муросаи-мадора, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатa билиш керак шекилли.

Нодир АЛИМОВ,
«MAHALLA» мухбири.

ЯНГИ РИСОЛА

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ — МИЛЛИЙ ҒУРУР

Педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси бошқаруви раиси Ойниса Мусурмонованинг яқинда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Оила маънавияти - миллий ғурур» деб номланган тўплами инсоният учун буюк неъмат - Оила мавзусига бағишланган.

Маълумки, қўҳна заминимиз оилалари ўтмиши жуда бой. Не-не тарих синовларидан ўтиб, чархланиб, сайқал топиб келмаган ўзбек оилалари! Оилаларни шу даражада ижобий, умидбахш қилиб шакллантириш мақсадида қанчалик улуғ донишмандлар қурашмаган, дейсиз. Оила ҳақида гап кетганда албатта, болалар тарбияси, билим олиши, муносиб камолга етиши, комил инсон бўлиб улғайишида ота-онанинг ўрни, шунингдек, рўзғор ташвишлари, иқтисодий таъминоти, моддий базаси ва ҳоказолар бир-биридан муҳим мавзулардек шуурингизга келаверади. Зотан, мазкур тўпламдаги «Оила ва жамият», «Оила, бурч, тарбия», «Жон қадар Ватан туйғуси», «Тарбия ҳикмати - истиқбол қудрати» каби боблардан ўрин олган тарбия ва миллий ғурур, оилада ота-она ўрни ва фарзанд бурчи, меҳмон кутиш одоби, маросимлар ва ҳоказо мавзулар мароқ билан ўқилади. Ушбу мавзулар улуғ донишмандларнинг ибратли ҳикоятлари, қимматли фикрлари асосида баён этилган.

Эндигина оила қасрига қадам қўяётган ёшлар учун анчагина ибратли бўлган мазкур тўпламни Тошкент китоб-журнал фабрикаси чиройли безакли қалин муқовада сифатли қоғозга чоп этганини ҳам таъкидлаш жоиз. Зотан, бугунги кунда маънавиятимизга хизмат қиладиган китоблар мудом шундай сифатли чоп этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Азамат ТОИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ — ХОРИЖГА

Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозорида «Ўзбекистон маҳсулотлари учун янги имкониятлар» мавзуида халқаро кўргазма очилди.

Кўргазмада республикамизнинг барча вилоятлари ўзида етиштирилган мева-сабзавот, чорвачилик ва қорақўлчилик маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Улар кўргазмага ташриф буюрган кўплаб хорижий фирма ва компаниялар вакиллари билан шу ернинг ўзида шартномалар тузиш имкониятига эга. Айтиш жоизки, бундай ҳамкорликни йўлга қўйишда Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори катта ўрин тутмоқда. Чунки мазкур бозорда маҳсулотни четга олиб чиқиш билан боғлиқ барча ишлар амалга оширилади.

Англия, Италия, Франция, Россия, Германия, Исроил, Туркия каби хорижий мамлакатлардан ишбилармонлар қатнашаётган кўргазма уч кун давом этади.

ЎзА.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА

ЛОНДОН ЎЗБЕКИСТОННИ ТОМОША ҚИЛМОҚДА

Мустақилликка эришган Ўзбекистонни дунё аҳли яхшироқ танишида фуқаро авиациясининг ўзига хос ўрни борлиги ҳеч кимга сир эмас. "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси раҳбарияти шу мақсадда халқаро фаолиятини авж олдириш йўлидан бораётгани диққатга сазовор.

Афинадаги тақдимот маросимида, кейин Тошкентдаги халқаро кўргазмада ўз имкониятларини намойиш қилган авиакомпаниямиз яқинда Лондонда ўтказилган йирик халқаро ярмаркада ҳам муваффақиятли иштирок этди.

- Барқарорликда гап кўп, - деди МАКнинг Лондондаги вакили Жаҳонгир Мирзабеков. – Мана, тўрт йилдан буён кўргазма залининг айнан мана шу жойида авиакомпаниямиз стенди жой эгаллайди. Буларнинг ҳаммаси "O'zbekiston havo yo'llari" бош директори Арслон ака Рўзметовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Бизнинг ишончли ҳамкор эканимизни кўрган ташкилотчилар бу йил хатто эгаллаган майдон учун тўлашимиз керак бўлган ҳақдан чегирма ҳам беришди. Аввали йилларда WTMда иштирок этишимизнинг натижаси сифатида 1999 йилда Лондондан бир қатор қатновларимизни бажарган кемаларимиз "Буюк ипак йўли" билан танишиш истагини билдирган сайёҳларни бевосита Самарқандга олиб борган бўлса, бу йил ёзда Лондондан Тошкентга учаётган самолётларимиз аввал Урганчда сайёҳлар гуруҳларини қолдириб ўтди. Келгуси йил ёзида мана шу каби қатновларнй бажариш бўйича кўплаб таклифлар олганимиз ҳам ярмаркада иштирок этишнинг фойдали эканини кўрсатиб турибди.

- Йигирма биринчи марта ўтказилаётган анжуманимизда ўзбекистонлик авиаходимлар яна иштирок этаётганидан жуда мамнунмиз, - деди "World travel market" директорининг ўринбосари Энн Мари Мэйн.

Колин Витт "O'zbekiston havo yo'llari"нинг юк ташиш бўйича агентларидан бири бўлиб фаолият кўрсатади. Ўзбекистон нефть-газ саноатини ривожлантириш учун асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулотларни, "Зарафшон-Ньюмонт" учун асбоб-ускуналарни "O'zbekiston havo yo'llari" кемаларида ташиш бўйича шартномаларни ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатган. Биз билан суҳбатда у миллий авиакомпаниямизнинг йилдан-йилга WTM каби ярмаркаларда иштирок этиши мижозлар орасида авиаторларимизга бўлган ишончни тобора мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани ҳақида илиқ фикрлари билан ўртоқлашди.

Ярмаркада стендимизга ташриф буюрган "Travel IQ" журнали бош муҳаррири Эндрю Овен Грей "O"zbekiston havo yo'llari" рекламасини ўз журналида жойлаштиришда имтиёзлар бериш ҳақида таклиф билан чиқди. Журнал дунёнинг авиацияси ривожланган деярли барча мамлакатларида тарқатилиши диққатга сазовор.

Шунингдек, стендимизга ҳамкорлик ҳақидаги муайян таклифлари билан мурожаат қилганлар орасида собиқ Иттифоқ давлатлари вакиллари борлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Латвия пойтахти Рига шаҳрининг "Летоника" фирмасидан Иза Томас, Туркманистон пойтахтининг "Амадо Лтд." Туристик компанияси президенти Давлетмурод Омонов ва бошқа кўплаб мутахассислар "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси билан ҳамкорлик уларнинг ўзига ҳам фойда келтиришига шубҳа қилмасликларини эътироф этишди. Яна бир қатор меҳмонларнинг таклиф ҳозирча ўзига хос "разведка" экани яққол кўринганига тўхталиш лозим. Болгария ва Санкт-Петербург, Европа ва Осиёнинг бир қатор компаниялари тез орада "O'zbekiston havo yo'llari" билан ҳамкорлик қила бошлашига, ким билади дейсиз, айнан мана шу кўргазмадаги мулоқотлар замин ҳозирлагандир.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Суратда: WTMда "O"zbekiston havo yo'llari" стенди олдида.

Муаллиф олган сурат.

Лондон — Тошкент

ОБИДАЛАРИМИЗ

ДАРВЕШЛАР МАКОНИ — ХОНАҚОҲ

Ислом динининг тараққий этиш даврларида йирик қурилишлар - Хонақоҳлар барпо этиш расм бўлган. Хонақоҳ бу дарвешлар маконидир. Улар кўп хонали бўлиб, ўртасида ибодат қиладиган катта хона бўлган. Уч томондан эшик, қибла томонда эса эшик ўрни ганч билан нақш қилинган.

Хўжаилмқони мемориал комплекси Ўрта Осиёдаги энг йирик қадимий обидалардан бири ҳисобланади. Ушбу ёдгорлик Шаҳрисабздан ўн беш километр, Китоб шаҳридан ўн километрлар чамаси узоқликда, Китоб марказий йўли ёқасида жойлашган.

Тепалар ёнбағрида жойлашган Хўжаилмкони қишлоғидаги ёдгорлик мажмуидан фақат Хонақоҳгина сақланиб қолган. Хонақоҳ баланд тепаликда қабристон ёнида қурилган. Аслида Хонақоҳ ҳам мажмуа таркибида бўлган. Бир пайтлар ана шу мажмуада бешта масжид, 43 та ҳужра жойлашган. Диний ҳамда дунёвий илмлар ўргатадиган мадраса бўлган. Собиқ шўролар даврида динга қарши кураш ниқоби остида халқимизнинг меҳнати билан бунёд этилган ёдгорликларнинг бир қисми 1935-1940 йилларда, қолгани 1965-1970 йилларда бузиб ташланди. Биргина Хонақоҳ бугунги кунгача бус-бутун сақланмоқда.

Хонақоҳнинг бўйи 24 метр, эни эса 20,2 метр келади, тўртта бурчагида цилиндр шаклидаги гулдаста мавжуд. Бу ерда бунёд этилган меъморчилик, ганчкорлик, ўймакорлик обидалари ўлмас санъат намуналари бўлиб қишлоқда маданият тараққий этганлигининг яққол далилидир.

Хонақоҳнинг олдида мармар ва гранитдан ясалган қабр тошлари мавжуд. Улар муайян тарихий даврда яшаган, фаолият олиб борган тарихий-диний шахсларнинг мақбараси, сағанаси, қабрига қўйилган. Ёзувларда уларнинг исм-шарифлари, насл-насаблари, йиллар ўз ифодасини топган. Тошлардаги бу ёзувлар XV-XVII асрлар Қашқадарё ҳудуди аҳолиси ҳуснихат мактабининг ноёб маҳсулидир. Қабртош ёзувлари ва тасвирлари ҳозирги вақтда ўзининг чуқур илмий тадқиқотчисини кутиб ётибди.

Ушбу мемориал ёдгорлик тарихий шахс ҳисобланган сўфизмнинг йирик вакили аллома мавлоно Хожагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Воҳсуворий номи билан боғлиқдир. 1904 йилда Когонда нашр этилган «Туҳфатул зойирин» китобида Мавлоно Хожагий ибн Мавлоно Маҳмуд "Воҳсуворий деб тилга олинади. Ҳозирги кунда бузиб ташланган масжиду мадрасалар Маккатулло нусхасида Шайбонийлар сулоласи вакили Абдуллахон II (1557-1596) даврида бунёд этилган. Хонақоҳ эса Мавлононинг ўғли Хўжа Абдулқосим ибн Мавлоно Хожагий 1601-1602 йилларда ўз пули ҳисобидан қурдирган экан.

Юқорида тилга олинган китобда Мавлоно Хожагий ҳақида муфассал маълумот келтирилади. Унда айтилишича, Мавлоно Хожагий Имганагий Мавлоно Муҳаммад Дарвешнинг ўғли бўлган. Мавлоно Муҳаммад эса Мавлоно Ёқуб Чархийнинг халифаси бўлган экан. Мавлоно Хожагий отасидан илм олиб Ёқуб Чархийдан авлиёлик сирларини ўрганган. Алломанинг асл исми Абдулбоқи бўлиб, имом Ҳусайннинг 32-авлодига бориб тақалади. Ушбу китобда бу кишининг шажараси ҳам берилган. Демак, Мавлоно Абдулбоқи саидлар авлодидан бўлган. Саид арабча сўз бўлиб, жаноб деган маънони англатади. Саидлар пайғамбаримизнинг авлодларига берилган фахрий унвондир. Асосан, Муҳаммад пайғамбаримиз набиралари Ҳасан-Ҳусайндан тарқалган авлодлар саидлар ҳисобланади.

Мавлоно Абдулбоқи ниҳоятда камолотга эришган инсон бўлган. У киши умр бўйи инсонни шариат, тариқат, ҳақиқат, маърифат йўлида риёзат чекишга чорлаб келган. Мавлоно дунёвий ва диний илмлардан чуқур хабардор авлиё бўлган. Шунинг учун ҳам Ҳазрати Хожагийнинг қабр тошларида, «қутублар қутуби» жумласи ёзиб қўйилган.

Мавлоно Хожагий донишманд аллома, шоир киши бўлган. У кишининг бир неча китоблар битганликлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида 500-рақам остида катта бир қўлёзма сақланмоқда. Шу қўлёзманинг 194-198-бетлари Мавлоно Хожагий Имганагийга бағишланган экан. Ундан маълум бўлишича, ушбу авлиё «Китоб ун насма» (Шабадалар китоби) асарининг муаллифи ҳам бўлган. Унда Ҳазрати бузрукворнинг 90 йил умр кўриб, ҳижрий 1008 йилларда вафот этганлиги таъкидланган. Демак, у киши 1510-1600 йилларда яшаб ўтганлар.

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳивассалламга бориб туташадиган силсилавий шарҳда 39 нафар улуғ пирлар номлари қўпгина тарихий манбаларда тилга олинади. Ана шу авлиёлар рўйхатида бутун дунё 675 йиллигини кенг нишонлаган Баҳоуддин Нақшбандий ҳам бор. Биз юқорида ҳикоя қилган буюк авлиё Ҳазрати Хожагий ҳамда унинг отаси Ҳазрати Муҳаммад Дарвеш ҳам ана шу пир ва авлиёларнинг 21 ва 22-рақам билан силсиласига киритилиб, улар ислом дунёсида ўз ўринларига эга бўлганлар.

Шунинг учун ҳам ушбу ёдгорликлар мусулмон оламининг вакиллари учун энг улуғ зиёратгоҳ жойлардан бирига айланган.

Қишлоқда бўлган сайёҳлар яна кўплаб мўъжизаларнинг шоҳиди бўлишлари шубҳасиз. Қишлоқ аҳолиси тошлар орасидан сизиб чиқадиган зилол чашмадан сув ичади. Чашма суви қишлоққача бир ярим километрлар масофадан оқиб келади. Сув ана шу ўртада баланд тепаликлар остидан ўтади. Тепаликлар остидаги сув йўли табиат ва меҳнат мўъжизаси сифатида кишини лол қолдиради. Сув тепа ортидан бир неча асрлар илгари махсус қазилган йўл орқали олиб ўтилган. Кишилар қарийб 100 метр масофадаги ерости сув йўлини кавлашнинг ўзига хос йўлини топишган. Юқоридан бир хил диагоналда жойлашган ўн учта қудуқ қазилган, барча қудуқлар сув йўли орқали бир-бири билан боғланган. Қудуқлар туннел қазиш учун турли хил вазифаларни ўтаган. Аввало, бу орқали тупроқ чиқарилган. Шунингдек, ёруғлик билан таъминлайдиган асосий манба бўлган. Сув йўли ҳар йили халқ ҳашари ёрдамида тозаланиб турилади. Шунда ҳам қудуқнинг фойдаси катта бўлган. Меҳнат мўъжизаси бу.

Хўжаилмкони қишлоғига келаётган сайёҳлар, зиёратчилар яна бир жонли ёдгорликнинг гувоҳи бўлишади. Бу минг йиллик тарихнинг шоҳиди бўлган улкан чинорлардир. Мавжуд учта чинор ҳам мемориал ёдгорлик ҳудудида ўсмоқда. Остидан катта бир ариқ булоқ суви ўтади. Чинорларнинг энг улкани айланаси қарийб 25 метр, дарахт танасида асрлар давомида ковак ҳосил бўлган. Бу бир пайтлар табиий мактаб биноси ролини ўтаган. Унинг ичида 25 киши бемалол чордона қуриб ўтириши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хўжаилмкони қишлоғи мусулмон оламининг ўзига хос маркази бўлган. Бу ердаги диний мадрасанинг фаолияти асримизнинг бошларигача давом этган. Қишлоқдан буюк алломанинг ўзига хос издошлари етишиб чиққан. Мавжуд маълумотларга қараганда, ҳатто Бухоро амири Олимхон даврининг сўнгги пайтларгача ҳам давлат қозиси ва котиби ушбу қишлоқдан сайланган. 1920 йилларгача Бухорода давлат қозиси вазифасида ишлаган қозикалон Бурҳониддин ҳам асли шу Хўжаилмконилик бўлган. У киши 1940 йилда Афғонистонда муҳожиликда вафот этган. Ана шу қишлоқ фарзанди Мирзо Камол Охун эса Бухоро мадрасаларидан бирини тугатиб бир мунча муддат бекликда мирзолик вазифасида ишлаган. Сўнгра шўролар даврида кўпгина тазйиқларни бошидан кечирган. 1975 йилда 97 ёшларида шу қишлоқда вафот этган.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
Эгамберди ҚУРБОНОВ.

ҚЎЙ (21.03-21.04). Таассуфки, юлдузлар сизга у даражада ҳарохоҳлик кўрсатишмаяпти. Кўп нарсадан ўзингизни тийиб туринг. Лекин ҳафтанинг иккинчи ярмидан бошлаб, вазият ижобий тарафга ўзгаради. Жумладан жума куни дам олишга ўнғай. шанба ва якшанбани ҳам кўнгилдагидек ўтказиш учун монеълик йўқ.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Чоршанба кунини эътиборга олмаганда, қолган кунлар ёмон эмас. Ушбу ҳафтада юлдузлар Сизга соғлиғингиз ҳақида бироз ўйлашингизни маслаҳат берадилар табиат қўйнида дам олиш айни муддао бўлади. дам олиш кунлар тижорат бобидаги ишларингиз авж нуқтасига кўтарилиш эҳтимоли бор. Чунки нақл бор «Тоза ҳаво, танга даво».

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). ҳафта сизга романтик учрашувлар, хуш кайфият ва маблағ ваъда этаётир. Қолаверса, ҳафтанинг жума кунлари дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун айниқса қулай. Қичқаси, бу ҳафта сиз учун чинакам байрамга айланади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Ҳафта ибтидосида алданиб қолишдан қўрқинг. Бугун молиявий аҳволингиз ўнгланиши кутилмоқда. Ҳафтанинг жума ва шанба кунлари ҳам бироз оғирроқ кечиши мумкин. Якшанбадан бошлаб аҳвол яхши томонга ўзгаради. Шунинг учун оғирроқ кечган кунларда асло ҳафа бўлманг.

АРСЛОН (23.07-22.08). Чоршанбада бирон ихтилофга дучор бўлишдан сақланинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми дам олиш ва тижорат ишлари учун ниҳоятда қулай келади, фурсатни бой берманг. Чунки қолган ишга қор нақли сиз учун айни муддаодир.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Сиҳатингиз хусусида ўйлаб кўринг. Тўла-тўкис «чўққи»да бўласиз. Жума куни кўтаринки кайфият сизга ҳамроҳ бўлади. Дам олиш кунларида тижорат соҳаларда ошиғингиз олчи келади. Муҳаббат бобида бу ҳафта Сизни кутилмаган кечинмалар кутмоқда, юлдузлар эса буларнинг ижобийлигидан сўзламоқдалар.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафтанинг бошидаги можароли вазиятга дуч келганингиз боис, кайфиятингиз яхши бўлади, пайшанба эса моливий аҳволингизни ўнглаб олиш имкони туғилади.

ЧАЁН (23.10-22.11). Чоршанба ва пайшанба кунларидаги ҳолатлар сизни унчалик қувнтирмайди. Фақат шанба ва жума кунларидаги амалий учрашув ва хушхабарлар билингизга ором бағишлайди. Ушбу кунлар яхшилиги билан бирга бироз ҳам келтириши мумкин, эҳтиёт бўлинг!

ЎҚОТАР (23.11-21.12). ҳафта сиз учун кўнгилдагидек харидлар билан бошланади. Чоршанбада ижодий фаоллигингиз чўққига кўтарилади. пайшанбадаги аъло кайфиятни жумада етиб келган муддалар яна тўлдиради. Чунки жума куни Сизнинг ишларингиз ўта бароридан келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафта сиз учун айни муддаодагидек кечиши муқаррар. Чоршанба фаолиятингизнинг қайноқ нуқтаси бўлади. Ҳафтанинг навбатдаги кунлари ҳам сиздан ўз саховатини дариғ тутмайди. жума ва шанба кунлари ажойиб хабарлар эшитасиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Ҳафта ўртамиёна даражада ўтади. Чоршанбада молиявий аҳволингизни яхшилайсиз, пайшанба ҳордиқ учун қулай келиши кутилмоқда. Жума ва шанба кунлари бироз оғирроқ келиши мумкин. Лекин сизни ишчанлик қутқаради.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ҳафта сиз учун тижорат соҳасида муносабатда қулай келиши кутилади. Айниқса, пайшанба ва якшанба туғилган имкониятларни қўлдан бой берманг. Агар ўзингиздаги табиий кўнгил жозибадорлигини иштасололсангиз, эзгуликлардан бенасиб қолмайсиз.

Муносабат: **«Қулчиликка келдик» дейишадию...» (1 ноябр)**

АЖРАШИБ ҲЕЧ НАРСА ЮТГАНИМ ЙЎҚ, ЛЕКИН...

«Mahalla» газетасининг 2000 йил 1 ноябр сонида журналист Нодир Алимовнинг «Қулчиликка келдик» дейишади-ю...» сарлавҳали мақоласини ўқиб, тўғриси, роса таъсирландим. Мақола худди менинг турмуш-ҳаётим ҳақида ёзилгандек туюлди.

Халқимизда «бўш дарахтни қурт ейди» деган мақол бор. Табиатан бўш-баёв, ювош қиз бўлганим учун оилавий ҳаётимнинг беш йиллик даври қайнонамнинг зуғуми остида ўтди. Мен ҳам ҳар тонгда хўроз қичқирмасидан аввал ўрнимдан туриб дарвоза супурардим, қишлиқировли фаслда қор кураш ҳам менинг гарданимда эди. Турмуш ўртоғим ёрдамга келгудек бўлсалар, қайнонам «Хотин кишининг ишига эр аралашадими?» деб жеркиб берардилар. Мен келинлик хонадонимда бажарган ишларимни миннат қилмоқчи эмасман. Лекин ўша хонадон менинг меҳнатимдан фойдаланди, куч-қувватимни олди, бетобланиб қолганимда эса худди мақоладаги қаҳрамон сингари мен ҳам ўз қизлик уйимда даволанишга мажбур бўлдим. Бундай ҳолат кўп маротаба такрорланган.

Аввалига турмуш ўртоғим менга қайишар эдилар, мушкул вазиятларда далда берардилар. Қайнонамнинг муттасил асоссиз равишда ёмонлайвериши оқибатида эрим ҳам мендан совий бошлади. Ўзаро тушунмовчилик бўлгандан кейин бир оилада узоқ яшаб бўлмас экан. Эрим билан яшаган 5 йиллик биргаликдаги ҳаётимизда битта фарзандлик бўлгандик. Ҳозирда шу ўғлимни ўзим билан бирга олиб, эрим билан ажрашганман. Тўғри, бу ҳолатда яшашдан мен ҳеч нарса ютганим йўқ, лекин сени тушунмаган инсонлар орасида ҳам қанча яшаш мумкин бўларди?...

Нозима Ф.
Тошкент вилояти.

ТУРФА ОЛАМ

ТЕРИСИ ЮПҚА, ХУДДИ ҚОҒОЗДЕК

Олмониялик етти яшар Тирон Эльсен бутун вақтини ногиронлик аравачасида ўтказади. У шу тарзда ўйинчоқларни ўйнайди, компьютерда машқ қилади.

Кўринишдан у ҳеч ҳам ногиронга ўхшамайди. Бироқ у ўз тенгқурлари сингари чопа олмайди, сакрай олмайди, умуман болаларга хос ўйинлар унга бегона. Мабодо йиқилиб тушгудек бўлса... тамом у ҳалок бўлади.

Дўхтирларнинг фикрича, бу бола жуда камдан кам учрайдиган, тузалмайдиган «Элерса - Данлос синдроми» яъни қондаги ноқислик касали билан оғриган. Мамлакатда уч юзга яқин киши шу касалликка мубтало. Бундай беморларнинг бирлаштирувчи тўқималари жуда нозик, терилари қоғоздек юпқа бўлади. Улар бир нарсага урилиб кетсалар ички органлари қаттиқ шикастланади, терилари эса қоғоздек йиртилиб кетиши мумкин. Немис мутахассислари бу касалликнинг олти хил кўриниши (босқичи) борлигини аниқлашган. Касалликнинг энг енгил тури билан оғриган бемор максимал тарзда даволанса, у пенсия ёшигача умр кўриши мумкин. Бироқ Тироннинг касаллиги ўта оғир шакли бўлганлигидан дўхтирларнинг гапига қараганда у ўттиз йилча умр кечириши мумкин экан.

«ODAM-АМФИБИЯ» СИГАРЕТЛАРИ

Литвалик денгиз соқчилари Неман дарёсида Калининград области томонидан пакетлар оқиб келаётганини кўриб қолишди.

Оқиб келаётган нарсалар қирғоққа яқинлашиши биланоқ юзига ниқоб тутиб олган сувда ғаввосларнинг кийимидаги «одам-амфибия» пайдо бўлди. Солдатлар уни ушлаб қола олмадилар. Қўлдан сирғалиб чиқиб кетган бу мавжудот сув қаърига сингиб кетди. Бу воқеа ҳақида Россия чегарачиларига ҳам хабар берилди. Бироқ улар ҳам уни тута олишмади. Оқиб келган пакетларга 10 минг қути сигарет жойлаштирилган экан.

Ҳозиргача литвалик чегарачилар 790 минг қути сигаретни қўлга киритганлар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 марта кўп.

БИР ТОННАЛИК «БОШ»

Латвия пойтахтида қазиш ишлари олиб бораётган археологлар учраттан топилма ҳаммани ҳайрон қолдирди. Улар қабристондан оғирлиги бир тоннага яқин гранитдан ишланган одам калласини топдилар.

Мутахассисларнинг қарашларича, бу Пасхи оролидаги ҳайкалларни эслатар экан. Янги топилма ҳақида тарихчиларнинг фикрлари турлича. Уларнинг баъзилари бу нарса IX-XII асрларда шу ерларда яшаган ЛИВ халқининг сиғинадиган предмети десалар, бошқалари бу таҳминни рад этмоқдалар.

«Бош»ни профессионал ҳайкалтарош ишлагани аниқ, чунки аввалроқ топилган ливларнинг предметлари анча жўнроқ ясалган эди, - дейди музей ходими Андрис Целминиш.

А. Ҳакимов чизган расм

СУДОКУ

Тузувчи А. БЎРИЕВ

					Судралиб юрувчи / Нота					Журнал, газета... / Асалхўр ҳайвон		Пиёзни «ўлдиради»
Тошкентдаги кўҳна бозор	Хотини эрига: Кўшнимиз Эшматни кўрмайсизми? Янги машина сотиб олибди, сиз эса чўзилиб ётганингиз ётган. — Қайтурма хотин. Биз машина сотиб олган вақтда у машинанинг вайронаси чиқиб қолган бўлади.			Сўнгги юриш (шахмат)		Т. исмли рақоса		Сув транспорти				
Самарқандлик олима										Қандолат		Пойтахт шаҳар
				Исм (эрк.)	Штатлар юрти							
	Араб давлати	Андуқ					Даданинг укаси		Қўл меҳнати			
	Даласи нега йиғлаётганини сўрамаяпсиз? Хоҳласангиз бир бошдан айтиб берай... — Керак эмас, бари-бир менда унча пул йўқ.			Шеррнинг муаллифи	Балиқ тухуми						Оғир касаллик	
								Ўз ишининг устаси				
				Оёқ кийими								
	Фарз амалларидан бири	Қиймат						Шаҳмат донаси				
	— Э, раҳмат дўхтир оғриғим тўхтади. Бел оғриқ бўпман шекилли-а? — Йўғе, шимингизлари торткичингиз тескари тақилган экан, холос.		Гўдакнинг оёқати	Қон томири						Рангли металл	Судья: — Сиз ўртоғингизни ёғоч билан урганингизни бўйнингизга оласизми? — Оламан. — Хўш, жазони юмшатиш учун нима дея оласиз. — Мен уни юмшоқ ёғоч билан ургандим...	
				Руҳий касалликлар дўхтири қабулида: — Кечирасиз, сиз эшик келдингизми, ёки кетяпсизми? — Э-э, билганимда бу ерда ўтирармилим!			— Жон, мен биламан, ўлимимнинг эртасигаёқ сен яна уйланасан. — Йўқ, жоним, аввал бироз дам оламан.					
Бош оғриқ дори									Пул бирлиги			

MAHALLAга
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—20.30